«Тасдиклайман»
Элликкалъа туман тиббиёт бирлашмаси
бошлиғи
Х. Атаниязов
«__» ______ 2022 йил

**Элликқалъа туман Тиббиёт бирлашмасида 01 август 2022 йил куни энг яхши таклифларни танлаш йўли билан электрон тарзда утказилган лот № 127647 ракамли танлов натижалари бўйича талабгор ташкилотлар томонидандан тушган эътирозларни урганиш бўйича танлов комиссияси йиғилишининг 51/1 сонли**

**Б А Ё Н Н О М А С И**

| | | |
|---|---|---|
| **Комиссия раиси:** | Х. Атаниязов | - Тиббиёт бирлашмаси бошлиғи |
| **Комиссия аъзолари:** | М.Бекчанов | - Координатор |
| | А. Эримбетов | - Бош хисобчи уринбосари |
| | Ж.Рузибаев | -Мухандис |
| | О.Исаков | -КТП мудири |

**К У Н Т А Р Т И Б И:**

Комиссия аъзолари томонидан 2022 йил 01 август куни Элликкалъа туман тиббиёт бирлашмасига карашли **ССГ ОЙ кала** биносини ажратилган бюджет маблаглари хисобидан капитал таъмирлаш ишларини бажариш максадида утказилган электрон танловда талабгор сифатида ЧП BO'STON OBOD MAXSUS QURILISH ва ХК МОХИРА БАХТ лар катнашгани хамда ушбу талабгор ташкилотлардан ЧП BO'STON OBOD MAXSUS QURILISH ташкилоти голиб булганлиги айтиб утилди. Элликкалъа туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи сўзга чикиб ушбу танлов натижалари буйича танлов натижалари эълон килинган кундан бошлаб талабгор ташкилотлар томонидан хеч кандай эътирозлар келиб тушмаганлигини айтиб утди.

Унга кўра куйдаги Товар (иш хизмат)ва махсулотлар етказиб берувчилардан куйдагича таклифлар тушди:

| № | Товар иш хизматлар номи | Лот номери санаси ва бошланғич суммаси | Мик дори | ЧП BO'STON OBOD MAXSUS QURILISH | ХК МОХИРА БАХТ |
|---|---|---|---|---|---|
| **Ташкилот манзили:** | | | | Элликкалъа | Элликкалъа |
| **Ташкилот СТИРИ** | | | | **301 865 814** | **307 067 876** |
| 1 | Элликкалъа туман тиббиёт бирлашмасига карашли Кумбаскан КВП биносини жорий таъмирлаш | Лот № 125121 486 494 216 сум | 1 | 477 000 000 | 480 000 000 |
| 2 | **Умумий бал** | | | 100 | 82.91 |
| **ЖАМИ:** | | | | **477 000 000** | **480 000 000** |
| Алохида шартлар | | | | Сифатли хизмат килиш талаб килинади. | |

**С Ў З Г А Ч И К Д И Л А Р:**

Юкоридагилардан келиб чикиб Тиббиёт бирлашмаси рахбари Х.Атаниязов, бош хисобчиси уринбосари А. Эримбетов, Вазирлар Махкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сонли карорига асосан танлов натижалари буйича танлов элон килинган кундан бошлаб **икки иш куни** ичида танлов иштирокчилари томонидан хеч кандай эътирозлар тушмаганлиги сабабли танлов голиби билан шартнома тузиш максадга мувофиклигини айтиб ўтдилар.

Кун тартибидаги масала бўйича билдирилган таклиф-мулохазалардан келиб чикиб, танлов комиссияси томонидан

## ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Элликкалъа туман Тиббиёт бирлашмасида 01 август 2022 йил куни энг яхши таклифларни танлаш йули билан электрон тарзда утказилган лот № 127647 ракамли танлов голиби ЧП BO'STON OBOD MAXSUS QURILISH билан икки томонлама шартнома тузиш максадга мувофик деб топилсин .

2. Тиббиёт бирлашмаси бош хисобчиси уринбосари А. Эримбетовга ЧП BO'STON OBOD MAXSUS QURILISH нинг вакилини икки томонлама шартномаси тузишга таклиф килсин.

| | |
|---|---|
| Комиссия раиси: | Х. Атаниязов |
| Комиссия аъзолари: | М.Бекчанов |
| | Б. Якубов |
| | Ж..Рузибаев |
| | О.Исаков |

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ №3

1978-13-194-ТВ/2022-сон

2022 й. «3» 8

Кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Тиббиёт бирлашмаси номидан Низоми асосида иш курувчи бошлиги Х.Атанипзов бир томондан ва кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган " ЧП BO'STON OBOD MAXSUS QURILISH" МЧЖ номидан Низоми асосида иш курувчи рахбари иккинчи томондан Элликкалъа тумани тиббиёт бирлашмасига карашли ««ОЙ кала » в ССГ биносини жорий таъмирлаш ишларини бажариш обектни фойдаланишга тайёр холда куришга доир пудрат шартномасини тузднлар.

**I.ТАРИФЛАР**

1.Мазкур шарномада куйидаги тарифлар кулланилади:

ижро хужжатлари — натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу и чи чизмаларга мувофикли тугрисида ёзувлар билан биргаликда объект курилишига иш чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кулланилган материаллар, конструкциялар ва д е т а л ларнинг сифатини тасдикловчи бошка хужжатлар, беркитилган ишлар тасдикланганлиги тугрисида далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда кабул килиши тугрисидаги далолатномалар монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари хамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар; курилиш майдони- мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича "Буюртмачи" томонидан "Пудратчига" берилган ер участкаси.

Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб куйилади ёни бош режага мувофих белгиланадиган бошка белгилар билан белгилаб куйилади:

вактинчалик иншоотлар- пудратчи томонидан курилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган хар кандай типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар -сифати ва аниклигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниклаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини булиб чикиш- ишларнинг дар бир боскичи ва ёки турлар кийматини аник белгилаган холда шартнома буйича объектнинг умумий кийматини бескичларга таксимлаш.

**II- ШАРТОМА МАВЗУСИ**

Пудрачи мазкур шартнома шартларига Элликкалъа тумани тиббиёт бирлашмасига карашли СВП «Кумбаскан» биносини жорий таъмирлаш ишларини бажариш лойихада кузда тутилган объектни фойдаланишга тайёр холда куриш буйича курилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчи га курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва ловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**III- ШАРНОМА БУЙИЧА ИШЛАР КИЙМАТИ.**

3.Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажарилган танлов савдоси (танлов) натижасида аникланган танлов комиссиясининг карори 01.08.2022 йилги лот рабами 22110012127647.-сонли баённома билан тасдикланган ишлар киймати барча соликлар, йигимлар

Кўриб чиқган юрист: BEGMETOV JO'RABEK UKTAMOVICH. Ҳужжат рақами: YB4513653681

ва ажратмаларни уз ичига олган холда жорий нархларда 477 000 000.00 (турт юз етмиш етти миллион) сумни ташкил этади. ККС 62217391 (олтмиш икки миллион икки юз ун етти минг уч юз туксоп бир ) сум 00 тийин.

4.Ишлар киймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик каита куриб чикилиши мумкин эмас куйидаги холларда бундан мустасно:

Курилиш кийматини купайтиришга енгиб булмайдиган куп (форс-мажор) холатлари сабаб булганда;

Ишлар нажми Буюртмачи томонипан узгартирилганда; Объектиинг курилиши бир йилдан ортикча узгартирилганда;

5.Курилиш муддати бир йилдан ортиз булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархдарни аниклаштириш цонун кужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6.Тегишли асослар мавжул булганда, санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасилаги шартномага кушимча битим билан расмийлаштирилади.

## IV- ПУДРАТЧИ МАЖБУРИЯТЛА РИ.

7 Мазкур шартпома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II- булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

Барча ишларни мазкур шартномада хамда унга иловага мувофик ишларни бажариві жадвалида назарда тутил ган хажмда ва муддатларда узининг кучлари ва ёки жалб килинган кучлар бвілаії бажариш хамда ишшт буіортмачітга мазкур шартнома шартларнга мувофик топшириш;

Иловага мувофик курилиш маидонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни кабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;

Курилиш майдони худудида вантинчалик иншоотлар куриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тугрисида хабардор килиш;

Курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вактида атроф мухитни, утказилган дарахтларни ва ер участкасини мухофза килиш буйича зарур талбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари урнатиш;

Курилиш таваккалчиликларини сугурта килиш;

Мазкур шартнома буйича объектни фойдаланиш ига кабул килиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини узига тегишли курилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар ,курилиш материаллари буюмлар, конструкциялар хамда вактинчалик биполардан бушатиш ;

Курилиш маидонини курикланишини таъминлаш ,

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

8.Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг уз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши уз кучлари хамда объектнинг фойдаланишга Тайёр холда топширилиши учун Бюртмачи олдида тулик мулкий жавоб беради.

## V.БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

9.Мазкур шартнома ни бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага, иловага мувофик ишларни бажариш учун ярокли булган курилиш майдонини объект курилиши ва курили ш тугаллангунгача бул ган даврда далолатнома буии ча Пудратчи га бериш;

ишлар бажарилиши усти доимий архитектура курилиш назоратини ва мазкур шартномада сайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда куриб чикиш ва карор кабул килиш;

Молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 2-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, 3 кун давомида Пудратчига ишларни кабул килиш учун зарур булган ижро хужжатларини руйхатини такди м эти ш;

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини олади;

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИ Ш МУДДАТЛАРИ

10.Шартнома: миллий валюта «сумла» узаро хисоб- к и тоб сил ин гаи.ца томонлар уни имзолаган пайдан бошлаб;

кейин чалик ЭАВ га конвертация килган холда миллий валютада «сум» узаро хисоб-китоб килинганда шартнома конун хужжатларига мувофик руйхатдан утказилгандан кейин кучга киради;

11.Пудратчи мазкур шартномага илова килинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик биринчи аванс тулови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12.Танлов савдолари натижаси буйича аниклан ган курилишнин г давом эти ш вакти ишлар бошланган кундан эътиборан 20 кунни ташкил этади.

13.Мазкур шартома буйича ишларни бажариш 50-кун (жадвалиги мувофик) амалга оширилади.

## ТУЛОВЛАР ВА Х,ИСОБ-КИТОБЛАР

1 4.Буюртмачи Пудратчига шартнома буйича ишлар умумий жорий кийматининг 30% микдорида аванс утхазади, бу 143 100 000 (бир юз кирк уч миллион бир юз) сум 00-тийинни ташкил этади, колган 70%, яъни 333 900 000 (уч юз уттиз уч миллион туккиз юз минг ) сум 00-тийин маблаг эса объектаи моли я лаштири ш ва и шларни бажари ш ж адва л и га асосан ол иб борилади.

## ЕНГИБ БУЛМАЙДИ ГА Н КУЧ (ФОРС-М ОЖО Р) ХОЛАТЛА РИ

1 ё.Агар ушбу шартнома буйича мажбури ятлар кисман ёки тулик б а жарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб булмайдиган куч холлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тулик бажарилмаслик учун жавобгарликдаи озод этиладилар.

17.Агар енгиб булмайдиган куч холатлари ски уларнинг окибатлари бир ойдан куп вактга чузилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш уларни консервация килиш учун кандай чоралар курилишини мухокама киладилар.

18 Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда тоьонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга хаклидир.

## КУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ КА БУЛ КИЛИБ ОЛИШ

Кўриб чиқган юрист: BEGMETOV JO'RABEK UKTAMOVICH. Ҳужжат рақами: YB4513653681

19.Курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш шартномани имзолаш санасигача амалда булган **белгиланган** тартибга мувофих мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин шунингдек, курилиши тугалланган объектларни фойдаланишга кабул килиб олишнинг белгиланган коидаларига биноан амалга оширилади.

20.Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тугрисида Пудратчининг ёзма билдиричномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 20 кун мобайнида кабул килиб олинади.

21 Пудратчи курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V булимига мувофик Буюртмачига Пудратчи томонидан белгиланган тартибда икки нусхада ижро хужжатларини беради.Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулик мос келишини ёзма равишда тасдиклаши керак. 22.Кабул килиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## X.КАФОЛАТЛАР

23.Пудратчи:

барча ишлар тулик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха хужжатларига хамда курилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш сифатини;

узи томонидан курилиш учун кулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларини курсатилгин сертификацияларга,давлат стандартларига хамда техник шартларига мувофиклигини, ишларни кабул килиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксонларни уз вактида бартараф килишни;

объекдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиклигини кафолатлайди.

## **XI.ТОМОНЛАРНИНГ** МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

24. Пудратчи объектни уз вактида ишга тушириш буйича уз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг **бажарилмаган** кисмининг 0.5 фоизи микдорида пеня т у лайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий кийматининг 50% дан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар уж вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0,5% микдорида пеня лайди ,бунди пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50 %дан ошмаслиги керак.

Пеня тулаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли стказилган зарарларни коплашдан озод килмайди.

25.Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва коидаларига, иш хужжатларига мувофик булмаса, у холда Буюртмачи «Даврахитектцурилишназорат» инспекциясининг хулосаси асосида объектни кабул килиш ва унинг учун как тулашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада булмаган ишлар цийматиниг 0,5 % микдорида жарима ундириш хукукига эга.

26. Шартнома буйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташкари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошка томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мулкнинг йукотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан берилган фоидада ифодаланадиган пеня билан копланмаган зарарларни коплайди.

27. Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошкача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пен я т у лаш томонларни ушбу мажбуриятларидан килмайди.

28. Етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) хакини уз вактида ламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчи га утказиб юборилган бир кун у чун кечиктирилган тулов суммасининг 0.4 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортик булмаган микдорида пен я лайди.

## XII.НИЗОЛАРНИ ДАЛ ЗТИШ ТА РТИБИ

29. Шартномани бажаришда ва бекор килишда, шунингдек, еткааилган зарарларни коплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда туманлараро иктисодий суди томонидан куриб чикилади.

## XIII.КОРРУПЦИЙАГА КАРШИ КУРА ШИШ ШАРТЛА РИ

30. Хар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита узи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боглик муносабатлар юзасидан куйидагиларни кафолатлайди: конунга хилоф равишда пул, моддий кийматликлар берилмаганли ги ни; шартнома тузили ши ва зи ганорас ми й пул ёки бош ка модди й ки йматликлар олинишга йул куйилмаганлигини, таклиф етилмаганлигини, уларни беришга ваъда килинмаганлигини; моддий ёки харкандай турдаги имтиёз олинмаганлигини.

31. Тарафлар улар томонидан шартнома доирасида жаб л килинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошка шахсларнинг) юкоридаги харакатларни содир етмаслиги юзасидан окилона чоралар куради.

32. Тарафлар уларнинг назорати остида булган ва улар номидан харакат киладиган шахслар юкоридаги мажбуриятлар бузилганлиги холатлари хакида хабар берилганлиги учун уларга тазйик утказилмаслигини кафолатлайди.

33. Шартноманинг тарафи ва у томонидан жалб килинган шахслар (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошка шахслар) томонидан коррупцияга карши кушимча шартларга риоя етилмаганда, иккинчи тараф шартномани бир тарафлама тухтатиб туришга, бекор килишга хамда зарарни коплаб беришни талаб килиш хакли булади.

## XIV.АЛОХИДА ШАРТЛАР.

34. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли булган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва огзаки битимлар. ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз кучи ни йукотади.

35. Ушбу шартнома туман "Газначилик" булинмасида руйхатдан утган кундан бошлаб,молия йили даври 2022 йил 31 декабргача уз кучида колади.

36. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча доллар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари кулланилади.

37. Шартномага киритиладиган хар кандай узгартириш ва кушим чалар томонларнинг ёзма келишуви асосида талабларнинг мухри ва имзоси билан тасдиклан ган хужжат асосида булади.

38. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга булган ( 3 нусхада) тузилди.

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: DQ8304833136

## XII.ТОМОНЛАРНННГ БАНК РЕБВИЗИТЛАРИ

| "Пудратчи" | "Буюртмачи" |
|---|---|
| ООО «ЧП BO'STON OBOD MAXSUS QURILISH » | Злликкалъа туман тиббиёт бирлашмаси |
| х/р: 20208000804906498001 | Манзил: Бустон ш Семашка N.• 1 уй |
| « Микрокредит банк Элликалинский филиал » | х/р: 401722860352507072130054004 |
| | Банк: Марказий банк Тош |
| МФО: 01055 | МФО: 0001 ИНН: 200 914 296 |
| ИНН: 301865814 ОКОНХ: 61133 | ОКОНХ: 91511 |
| ОКЭД: 41201 | |
| З.Машарипов | Х.Атаниязов |

Кўриб чиққан юрист: BEGMETOV JO'RABEK UKTAMOVICH. Ҳужжат рақами: YB4513653681

RO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, ҳужжат коди: YB4513653681

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

**1. Loyihaning turi: Shartnoma.**

**2.Loyihaning nomi: Pudrat shartnomasi.**

"ЧП BO'STON OBOD" ma'sulyati cheklangan jamiyati va Ellikqal'a tumani Tibbiyot birlashmasi o'rtasidagi 477 000 000 (to'rt yuz etmish etti million) so'mni tashqil qiladigan Pudrat shartnomasi.

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:**

Ellikqal'a tumani Tibbiyot birlashmasi tomonidan 2022-yil 02-avgust kuni ishlab chiqilgan va 2022-yil 02-avgust kuni dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 386-436 moddalari hamda 1998-yil 29-avgust kungi 670-И son "XO'JALIK YURITUVCHI SUBYEKTLAR FAOLIYATINING SHARTNOMAVIY-HUQUQIY BAZASI TO'G'RISIDA"gi O'zbekiston Respublikasi qonuni hujjatlarida.

Xo'jalik shartnomasi shartnoma predmetini, yetkazib beriladigan tovarning (ishning, xizmatning) miqdori, sifati, assortimenti va bahosini, shartnomaning bajarilish muddatlarini, hisob-kitob qilish tartibini, taraflarning majburiyatlarini, shartnoma majburiyatlari bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda taraflarning javobgarligini, nizolarni hal etish tartibini hamda taraflarning rekvizitlarini, shartnoma tuzilgan sana va joyni, shuningdek bunday turdagi shartnomalar uchun qonunchilikda belgilangan yoki taraflardan birining arizasiga ko'ra o'zaro kelishuvga erishish lozim bo'lgan boshqa muhim shartlarni nazarda tutishi kerak.

Xo'jalik shartnomasida hisob-kitob qilish tartibi belgilanayotganda tovarlar (ishlar, xizmatlar) haqini qonunchilikda belgilanganidan kam bo'lmagan miqdorda oldindan to'lab qo'yish albatta nazarda tutilgan bo'lishi kerak.

Xo'jalik shartnomasini tuzishda taraflar tegishli turdagi shartnomalar uchun ishlab chiqilgan hamda huquqiy ekspertizadan belgilangan tartibda o'tkazilganidan so'ng e'lon qilingan o'zlarining namunaviy yoki tipovoy shartlariga (shakllariga) amal qilishlari mumkin.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 14.09.2021-yildagi PF-6313-son xo'jalik yurituvchi sub'yektlar tomonidan davlat xaridlari bilan bog'liq tuziladigan shartnomalarda majburiy ravishda korrupsiyaga qarshi qo'shimcha shartlar belgilanadi. Shartnomaning tarafi va u tomonidan jalb qilingan shaxslar (yordamchi pudratchi tashkilotlar, agentlar va taraflar nazorati ostidagi boshqa shaxslar) tomonidan korrupsiyaga qarshi qo'shimcha shartlarga rioya etilmaganda, ikkinchi taraf shartnomani bir taraflama to'xtatib turishga, bekor qilishga hamda zararni qoplab berishni talab qilishga haqli bo'ladi;

**Loyixa qonun xujjatlarida ko'rsatilgan talablarga muvofiq ishlab chikilgan qabul qilish maqsadga muvofik.**

**Markaz bosh yuriskonsult:** **J.Begmetov.**
**02.08.2022yil.**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Қорақалпоғистон Республикаси

230100 No'kis qalasi, G'a'rezsizlik ko'shesi,59A u'y, Tel.+99861 2227436 Faks:+998612227365 E-mail:exspertiza.rk@mail.ru. www.ekspertiza.mc.uz www.mc.uz

Holati: Ijobiy
Direktor: IBRAGIMOV MAXSETBAY JALGASBAEVICH
Sana:07-09-2022 yil

## Yig'ma ekspert xulosasi № 59848

**Obyekt nomi** «Qoraqalpog'iston Respublikasi Ellikqal'a tumani «Oy qal'a» OFYda tez tibbiy yordam berish binosini qurish" ob'ektining boshlang'ich qiymati hisobiga tayyorlangan»

**Buyurtmachi** – Qoraqalpog'iston Respublikasi Ellikqal'a tuman tibbiyot birlashmasi.
**Bosh loyihachi** - "ARX MAXIMUM PROEKT" MChJ.
**Litsenziya** AL - 001477 sonli, 16.11.2020 yil Qurilish vazirligi tomonidan berilgan.
**Moliyalashtirish manbai** - Byudjet mablag'lari hisobidan.
**Bosh pudratchi** – tanlovga asosan aniqlanadi.
**Qurilish turi** yangi qurilish.
**Murojaat raqami:** № 58083

### 1. Loyihalash uchun asos

- 2022 yili buyutmachi tomanidan tasdiqlangan texnik topshiriq.
- 2022 yili 26-avgustdagi 08-190-sonli buyirtmachi xati.

### 2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar

"Qoraqalpog'iston Respublikasi Ellikqal'a tumani «Oy qal'a» OFYda tez tibbiy yordam berish binosini qurish" ob'ektining boshlang'ich qiymati hisobi hujjati.

### 3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni

Ob'ektning boshlang'ich qiymati hisobi O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2003 yil 11 iyundagi 261 son qarori, ShNK 4.01.16-09 qoidalariga va «O'zbekiston Respublikasi Davlat arxitektura va qurilish qo'mitasi» bilan kelishilgan TNQurilish kompleksli dasturi asosida amalga oshirildi.

### 4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:

### 5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.

### 6. Ekspertiza natijalari.

Ekspertiza natijalariga ko'ra qo'shimcha qiymat solig'i (QQS) bilan va buyurtmachining boshqa

xarajatlarisiz 483 375,988 ming so'm miqdorida taqdim etilgan ob'ektining boshlang'ich qiymati o'zgarishsiz qoldirildi.

Xususan:

| | |
|---|---|
| Qurilish-montaj ishlari (Asbob-uskunalar xarjatlarisiz): | 395 542,797 ming so'm. |
| Asbob-uskunalar: | 24 784,149 ming so'm. |
| QQS: | 63 049,042 ming so'm. |
| Bundan tashqari buyurtmachining boshqa xarajatlari: | 13 500,00 ming so'm. |

Yakuniy harajat buyurtmachi va pudratchi tomonidan qurilish tugagandan so'ng nazorat o'lchovi natijalari asosida aniqlanadi.

Buyurtmachi loyiha hujjatlarini tastiqlashdan oldin belgilangan tartibda barcha manfaatdor vakolatli organlar bilan kelishishi lozim.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021 yil 17 sentabrdagi 579-sonli qarorining 3-bob 29 bandiga muvofiq "Ekspert tashkilotiga taqdim etilgan shaharsozlik hujjatlarining sifati, dastlabki ma'lumotlarning haqqoniyligi va qabul qilingan loyiha yechimlariga buyurtmachi hamda loyiha tashkiloti javobgardir".

### 7. Xulosalar.

Ekspertiza natijalarini hisobga olgan holda, barcha me'yor talablari bajarilishi va buyurtmachi tomonidan ob'ektning qurilish materiallar, asbob-uskunalari qiymatlarini va ishlar hajmini maqullash sharti bilan "Qoraqalpog'iston Respublikasi Ellikqal'a tumani «Oy qal'a» OFYda tez tibbiy yordam berish binosini qurish" ob'ektining boshlang'ich qiymati xisobiga hujjati kelgusida ko'rib chiqish va tasdiqlashga tavsiya etiladi. Tavsiya qilingan ob'ekt qiymati pudratchi shartnomasiga asos bo'lmaydi.

**Bosh mutaxassis:** IBADULLAYEV AZIZBEK ALPISBAY ULI